

BEHBUDI CRITICAL THINKING

Журакулов У.

филол.ф.д., ТошДЎТАУ профессори

ujuraqulov@navoiy-uni.uz

+998 97 703 39 67

Аннотация. Мақолада Туркистон жадидчилигининг отаси Махмудхўжа Бехбудийнинг адабий жараён ва танқидчиликка доир фикр-карашлари ҳақида сўз юритилади. Мутафаккир эстетик карашларига хос диний-маърифий, маънавий-ижтимоий омилларга эътибор қаратилади. Жади́д танқидчилиги ривожига қўшган ҳиссаси ёритилади.

Калит сўзлар: Жади́дчилик, жади́д танқидчилиги, янги эстетика, миллий идеал, адабий турлар, эпик ва лирик жанрлар, драма ва театр, миллий ғожиа, услуб, сюжет, образ.

Аннотация. В статье рассматриваются взгляды отца туркестанского джадидизма Махмудходжи Бехбуди на литературный процесс и критику. Обращается внимание на религиозно-просветительские, духовно-социальные факторы, присущие эстетическим воззрениям мыслителя. Подчеркивается его вклад в развитие критики джадидов.

Ключевые слова: джадидизм, джадидская критика, новая эстетика, национальный идеал, литературные жанры, эпические и лирические жанры, драма и театр, национальная трагедия, стиль, сюжет, образ.

Annotation. The article discusses the views of Mahmudhoja Behbudi, the father of Turkestan Jadidism, on the literary process and criticism. Attention is paid to the religious-enlightenment, spiritual-social factors inherent in the aesthetic views of the thinker. His contribution to the development of Jadid criticism is highlighted.



Keywords: Jadidism, Jadid criticism, new aesthetics, national ideal, literary genres, epic and lyrical genres, drama and theater, national tragedy, style, plot, image.

XX аср ўзбек адабий-маърифий тафаккурининг етук намояндаси, Туркистон жадидчилик ҳаракатининг етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудий биринчи навбатда комил иймон эгаси, мўъмин бир инсон эди [1. 2]. Унинг ислом таълимоти, фикҳ, ақида илмларини мукаммал эгаллагани ҳақида манбалар хабар беради. Ота шажараси жиҳатидан Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларига бориб боғланадиган [3] бу зот аждодлари йўли ва аъмолига содик яшади. Самарқанд, Бухоро мадрасаларида илм олди. Иймон талафоти жуда яқин бўлган алғов-далғов замонларда қози, муфти лавозимларида ишлади. Каъбатуллоҳ сафарига чиқиб ҳожи бўлди.

Мутафаккир ўзининг қунт ва чидам билан эгаллаган билимлари, ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб, дастлаб туғилган юрти Самарқанд, кейинроқ бутун Туркистон маданий, маърифий, ижтимоий, адабий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган шахсга айланди. Фаолиятининг илк даврларида мактаб ва педагогик фаолият билан шуғулланди. 1904-1909 йиллар оралиғида олти та дарслик ёзди. Дарсликларининг иккитаси ислом тарихи, иккитаси география, иккитаси бошланғич таълим методикасига оид эди.

У жиддий билан шуғулланган яна бир соҳа матбуот, публицистика бўлган. Даврининг онгли, илмли, кўп тилни биладиган, дунё кўрган вакили сифатида Маҳмудхўжа Бехбудий матбаачилик фаолиятидан четда туриши мумкин эмас эди. “Самарқанд” газетаси, “Ойна” журнали, “Бехбудия нашриёти”, “Бехбудия кутубхона”сидаги амалий фаолиятдан ташқари турли мавзудаги мақолалари билан ўз даври Туркистон жамияти турмуши ва маънавиятига кучли таъсир ўтказди. Бехбудийнинг бундай мақолалари ададини профессор Бегали Қосимов 200 та деб белгилайди. Бошқа мутахассислар эса уларнинг сони 500 тагача бўлганини айтишган [4]. Нашриётчилик, матбаачилик ишларининг фаол ташкилотчиси бўлган мутафаккир шу жараёнда ёзган аксар мақола ва



чиқишларига таҳаллуси ёки исми шарифини қўймаган. Ном чиқаришдан кўра миллат ишини афзал билган. Шу сабабли унинг муаллифлигида чоп этилган ишларнинг адади масаласи ҳали-ҳамон ўз ечимини топганича йўқ.

Муҳими Беҳбудий ёзган мақолалар, ҳатто дарсликлару “Йўл хотиралари” гача қайсидир жиҳати билан адабиётга, адабий танқидга, миллий шаклдаги янги эстетиканинг шакллантириш масаласига бориб тақалади. Негаки, Беҳбудий XX аср бошларида Туркистонда кечаётган барча жараёнларнинг фаол иштирокчиси эди. Миллатни маърифатли, бошқа милларлар ичида илғор, интеллектуал халққа айлантириш концепцияси Туркистон жадиidlари, хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг маслаги бўлган. Бундай улуғ маслак йўлидаги энг самарадор восита эса, албатта, адабиёт эди.

Биринчи миллий драма намунаси ўлароқ дастлаб Самарқандда, кўп ўтмай Авлоний бошлиқ “Турон” труппаси томонидан Тошкентда сахналаштирилган “Падаркуш”нинг ўз даври ижтимоий-маънавий ҳаётида қанчалар жиддий резонанс бергани кўпчиликка маълум. Тақдир тақозоси билан миллий адабиётга янги жанрни татбиқ этиш, илк бор сахналаштириш миссияси елкасига тушган Беҳбудий, ижтимоий-маънавий, адабий-эстетик эҳтиёж боис бадиият илми, адабий танқид масалаларига ҳам қўл урди. Маълум маънода янги эстетиканинг шаклланишида муҳим ўрин тутган жаид танқидчилигини бошлаб берди.

Бир қарашда “жаид танқидчилиги” истилоҳи ўринсиз қўллангандек туюлади. Чунки кўпчилик 10-20-йиллар танқидчилигини ҳам XX аср ўзбек замонавий танқидчилигининг бир бўлаги сифатида тушунади. Наридорса, бугунги танқидчиликнинг ибтидоси, бошланғич нуқтаси деб қабул қилади. Аммо, фикрлар турличалигидан қатъи назар, жаид танқидчилиги алоҳида ҳодиса. Шу маънода анъанавий мумтоз ва замонавий ўзбек адабий танқидчилигидан том маънода фарқ қилади. Яъни анъанавий мумтоз адабиётшунослигида танқид назариясининг асосини “балобат илми” ташкил этган. Ижодкор асарига баҳо беришда унинг иймон-этиқоди, атроф-муҳит,



инсонларга исломий муносабати, бадиият ва тил илмини нақадар мукаммал эгаллагани мезон қилиб олинган. Ўзбек замонавий танқидчилигининг жадидчиликдан кейинги, мустақилликкача бўлган босқичи совет танқидчилиги таркибига киради. Совет танқидчилигининг бош мезони эса марксча-ленинча эътиқод, компартиянинг кўрсатмалари эди. Совет мунаққиди ўз илмий-адабий тадқиқотларида мана шу мезонларга қай даражада изчил риоя қилганига қараб, мавқе-мартабага эга бўларди. Жадид танқидчилиги бўлса, моҳиятан, уч асосга таянади: диний (бу жиҳати билан мумтоз адабиётшуносликка туташади), миллий ва жаҳон бадиий тафаккури таъсирида янгиланаётган танқидий нуқтаи назар. Маҳмудхўжа Бехбудий авангардлардан бўлиб бош қўшган бу йўл кейинроқ Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Вадуд Маҳмудлар томонидан изчил давом эттирилган жадид танқидчилигининг ибтидоси эди.

Юқорида қайд этганимиздек, умуман адабиёт илми, бадиий асарнинг жамият учун манфаати, ахлоқ ва адабиёт масалалари Бехбудийнинг мактаб дарсликларидаёқ матн таркибига сингдириб юборилган. У алоҳида рисола сифатида топ этган ислом тарихини эса адабиёт ва бадиият илмидан ташқарида туриб баён қилиб бўлмаслиги айтиш ҳақиқат. Адабиёт ва исломга доир дарсликларни истисно этганимизда ҳам, жаҳон тарихи, географияси ҳақидаги дарсликларнинг барчасида ер шаридаги миллату элатларнинг жойлашуви, дини, тили, иқтисодий ва сиёсий вазиятлари ҳақидаги маълумотлар орасида, албатта, адабиёти, маданияти ҳақида ҳам маълумотлар, аниқ муносабатлар акс этганига гувоҳ бўламиз. Демак, Маҳмудхўжа Бехбудий фаолияти ҳеч қачон адабиёт ва адабий танқиддан ташқарида бўлмаган.

Бехбудийнинг бевосита танқид муаммоларига доир икки мақоласи “Ойна” журналининг 1914 йил 27-29-сонларида эълон этилган. Биринчи мақола “Танқид сараламоқдур” деб номланади [5]. Бу мақола, ҳақиқатан ҳам, жадид танқидчилиги ривож учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. 10-20-йилларнинг янгиланаётган эстетик тафаккури, ўзга миллатлар адабиётидан эпик, лирик,



дараматик жанрларнинг кириб келиши, бармоқнинг қайта тирилиши, европача вазнларнинг миллий шеърят майдонида қўллана бошлаши, эстетик мезонлар ва адабиёт олдига қўйиладиган талабларнинг ўзгариши, муҳими, уларнинг барчаси миллий этика мезонига мос келишини тақозо этарди. Бу улкан муаммо олдида фақат ва фақат жаҳид зиёлилари масъул эдилар. Беҳбудийнинг "Танқид сараламоқдур" мақоласи давр маънавий ҳаёти қўйган эстетиканинг жиддий саволига берилган илк жавоб бўлди.

Мутафаккир ўз мақоласида ислоннинг туб асоси бўлган "авсат" (ўрталик) мезонига таянади. Адабий танқиднинг "нақд", яъни муҳимини кашф этиш функциясини асос қилиб олади. Бадиий асарга баҳо беришда унинг маънавий-маърифий, ижтимоий-миллий фойдасига урғу беради. Шу тарзда танқиднинг сараловчилик вазифаси, бунда мунаққид асосланиши шарт бўлган мезонларни ишлаб чиқади ва асослаб беради.

Ўзбек адабиётига янги адабий тур ва жанрларнинг кириб келиши ўзига хос эстетик ҳодиса, миллат тафаккуридаги кўтарилиш жараёни десак, хато бўлмайди. Маълумки, 10-йилларда ўзбек адабиёти янги шеърый шакллар билан бир қаторда, тамоман ноанъанавий бўлган насрий ва драматик жанрлар билан ҳам бойиди. Жумладан, драматургия қисқа фурсат ичида оммалашиб кетди. Янги жанрлар татбиқи билан боғлиқ илк эстетик баҳслар ҳам айнан драматургия борасида бўлди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Театру надур?» номли мақоласи драма асарларини тарғиб этиш йўлидаги дастлабки жиддий уринишлардан эди [6]. Мақола моҳият эътибори билан кўпроқ таништирув, ахборот, тарғибот характерида. Чунки Беҳбудий ўз мақоласида, асосан, ўқувчи ва драматик асар, миллат ва театр каби масалаларга тўхталган. Мавжуд жамиятнинг интеллектуал даражаси, маънавий қадриятлари, қизиқишлари, интилишларидан келиб чиқиб, драма ва театр тушунчаларини изоҳлашга уринган. Бироқ худди шу бирламчи тадқиқот ўзига хос назарий-эстетик моҳият ҳам касб этади. Муаллиф театрни «ибратхона», «таъзири адабий», «ойна» деб таърифлар экан, драматик турнинг



муайян аудитория воситасида ривожланиши, ижтимоий-эстетик аҳамияти, ҳаётий ҳодисаларни акс эттириш усули каби соф назарий масалалар ҳам табиий талқинини топади. Қолаверса, Бехбудий драматик турнинг: трагедия, комедия, драма жанрлари устида мухтасар тўхталиб ўтади. Бу жанрларга хос энг муҳим хусусиятларни кўрсатишга ҳаракат қилади.

Бехбудийнинг театр хусусидаги қарашларини ахлоқий-эстетик тамойиллар асосида таҳлил қилиш йўлида Васлий Самарқандий «Шариати Исломия» мақоласини ёзган [7]. Бехбудий талқинларининг фикҳий масалалар билан нақадар мос келиши борасида фикр юритган. Муаммони шариат мезони асосида ҳал этишга уринган ва асосий масала борасида Бехбудийни танқид остига олган, инкор этган. «Ойна» журналининг 1915 йил 50-сонида Васлийга жавобан Бехбудийнинг «Театр, мусиқа, шеър» номли мақоласи чоп этилган [8]. Бехбудий дастлабки мақоласида билдирган фикру қарашларини эндиликда шаръий, ахлоқий, ижтимоий жиҳатдан мукаммаллаштиради. Миллат, хусусан, ислом миллати манфаатларидан келиб чиқиб тушунтиради. Жадид эстетикасининг асосчиларидан бири сифатида театрнинг миллат тарбиясидаги аҳамияти урғу беради. Васлий Самарқандий бошлаган баҳсга якун ясаши билан бирга, театр ва ижтимоий ҳаёт, театр ва миллий тараққиёт, театр санъатининг жаҳон халқлари интеллектуал юксалишидаги ўрни, театр ва драма назарияси деган жиддий масалаларнинг ҳам шаръий, ҳам илмий ечимини кўрсатиб беради. Бехбудийнинг бу каби қарашлари жадид танқидчилигининг кейинги босқичлари, 30-йилларнинг бошига қадар адабий танқиднинг миллий намунаси ўлароқ ўзининг муҳим таъсирини сақлаб қолди.

Хуллас:

1. Жадид эстетикасининг шаклланиш босқичида адабиётнинг моҳияти, инсоният ҳаётидаги ўрни, вазифаси каби умумий муаммолар талқини етакчилик қилди.



2. Миллий маърифат, миллий адабиёт масалалари чуқурлашган 10-20-йиллардан эътиборан ижодкор шахсияти, дунёқараши, ижод қилишдан мақсади, миллий адабиёт ва янги эстетика тараққиёти бош масаласига айланди.

3. Барча адабий тур ва жанрлар замон талаби, маданиятлар кесишуви натижасида янгилана бошлади. Адабий танқид ва унинг ижтимоий-эстетик критерийлари масаласи кун тартибига қўйилди. Тафаккур янгиланишлари, давр қўйган адабий-эстетик саволларга жавоб изловчилар ва ечим топувчилар бошида ҳам Маҳмудхўжа Бехбудий етакчилигидаги жадидлар турдилар.

4. Миллий драматургиянинг ўзига хосликлари, эстетик қиммати, тарбиявий аҳамияти каби муаммолар дастлаб Бехбудий томонидан шаръий, миллий ва илмий йўсинда талқин қилинди. Драматик асарнинг сахналаштирилиши, театрнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни масалаларида муайян баҳс-мунозаралар туғилди. Бундай мунозарали ҳолатлар ҳам диний ва дунёвий илмлар эгаси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг адабий-танқидий мақолаларида акс этган ҳулосаларида ўз ечимини топди. Миллий танқидчилик ва танқид назариясининг бирламчи омили бўлиб тарихда қолди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. – Тошкент: Университет, 2004. – Б.227.
2. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006.
3. Bozorova N. "Latest Studies of Latoif in Stories." International Journal of Progressive Sciences and Technologies 19.1 (2020): 158-161.
4. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002
5. Бехбудий М. Танқид сараламоқдур //Ойна, 1914. – №27
6. Бехбудий М. Театру надур //Ойна, 1914. – №29.
7. Самарқандий В. Шариати исломия //Садойи Фарғона, 1914. – №83.
8. Бехбудий М. Театр, мусиқа, шеър //Ойна, 1915. – №50.

